

Залолатга ботганлар



19:00 / 29 январь 976

مَرِيَمَ ابْنَتِ الْمَسِيحِ هُوَ اللَّهُ إِنَّ قَالُوا الَّذِينَ كَفَرُوا لَقَدْ

إِنَّهُ وَرَبِّكُمْ رَبِّي اللَّهُ اعْبُدُوا إِسْرَائِيلَ يَبْنِي الْمَسِيحُ وَقَالَ

وَمَا النَّارُ وَمَاؤُنْهُ الْجَنَّةَ عَلَيْهِ اللَّهُ حَرَّمَ فَقَدْ بِاللَّهِ يُشْرِكُ مَنْ

«Албатта, Аллоҳ Масих ибн Марямдир», деганлар батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Масих эса: «Эй Бану Исроил, менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз - Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг жойи оловдир. Ва золимларга ҳеч қандай нусрат берувчилар йўқдир», - деди»
(Моида сураси, 72-оят).

Ийсо алайҳиссаломдан кейин насоролар у зот олиб келган соф ақийдани қандай қилиб бузганларини аввалги оятлар тафсирида ўргандик. Бу оятда эса ўша залолат ботқоғига ботган насороларнинг

«Албатта, Аллоҳ Масих ибн Марямдир», - деганлари куфр экани, уларнинг бу ақийдаси ва гапи Масих ибн Марямнинг айтганларига ҳам буткул зид эканининг баёни келмоқда. Чунки Масих ибн Марям алайҳиссалом ҳеч қачон насороларга «Мен Худоман, менга ибодат қилинг», демаганлар. У зот алайҳиссалом ўзларига эргашганларга:

«...менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз - Аллоҳга ибодат қилинг», - деганлар.

У зот ўзларини ҳам бошқалар қатори, банда ҳисоблаганлар. Шу билан бирга, у киши одамларни умуман ширкдан - «Аллоҳнинг шериги бор», дейишдан қайтарганлар. Тавҳидга - ягона Аллоҳга эътиқод ва ибодат қилишга чақирганлар.

Масих ибн Марям алайҳиссалом насороларга:

«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг жойи оловдир», - деганлар.

Аммо Аллоҳга берган мийсоқ - аҳдномани бузган насоролар эса «Масих ибн Марям Худодир», деб, Масих ибн Марямнинг ўзлари таъкидлаб айтган маълумотнинг тескарисини қилмоқдалар. Бу улар томонидан бўлаётган катта зулмдир.

«Ва золимларга ҳеч қандай нусрат берувчилар йўқдир».

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди